# Бу ерда сизнинг рекламангиз бўлиши мумкин



## РАҲБАРЛАР, ИҚТИСОДЧИЛАР, ИШБИЛАРМОНЛАР ВА ЁШ ОЛИМЛАР ДИҚҚАТИГА!

“Biznes-Эксперт“ журналига йил давомида обуна бўлиш мумкин.
Нашрга обунани расмийлаштиргач,
Сиз ишончли эксперт ахборотига эга бўласиз.

Журналга “Ўзбекистон почтаси“ АЖ, “Matbuot tarqatuvchi“ АЖ ва бошқа обуна агентликлари орқали обуна бўлиш мумкин.

Ундан ташқари Сиз обуна шартномасини тўғридан-тўғри “Бизнес-Daily Медиа“ Ноширлик уйи МЧЖ билан ҳам расмийлаштиришингиз мумкин. Обуна индекси – 1169.

**Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: (99871) 259-21-96, 259-21-95.**


# Biznes-Эксперт

№ 8, 2020

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ МОЛИЯ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ИЛМИЙ АМАЛИЁТ

## Ушбу сонда:




Инновацион иқтисодиёт шароитида олий таълим муассасаларида давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш масалалари 12


## В этом номере:


Возможности использования технологии блокчейн в высших учебных заведениях в условиях формирования цифровой экономики 152


ПРИВАТИЗАЦИЯ ФИНАНСЫ ЦЕННЫЕ БУМАГИ НАУЧНАЯ ПРАКТИКА

### ДИҚҚАТ!

“Бизнес-Daily Медиа” ноширлик уйи МЧЖ ва EBSCO Publishing, Inc. (АҚШ) ўртасида 2017 йил 8 августда тузилган лицензия шартномасига асосан, “Biznes-эксперт” журнали жаҳоннинг энг йирик академик нашрлар электрон тизими ҳисобланган EBSCOhost маълумотлар базасига киритилган ва шу тизим орқали дунё бўйлаб тарқалмоқда.

### ВНИМАНИЕ!

Согласно постановлению Президиума Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан №201/3 от 30 декабря 2013 года, журнал «Biznes-Эксперт» внесен в реестр научных изданий Высшей аттестационной комиссии для докторских диссертаций.

# Biznes-Эксперт

«Biznes-Эксперт» журналига 2020 йил учун обуна давом этмоқда.

## Вақтни бой берманг!

### Сиз журналга обуна бўлиш орқали:

- Ўзбекистон Республикасида ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар ҳақида таҳлилий мақолалар;
- мамлакатимиз ва жаҳон иқтисодиёти барча тармоқларининг таҳлили ва шарҳига бағишланган мақолалар;
- жаҳон ва мамлакатимиз фонд, валюта, товар-хом ашё биржаларидаги савдо якунлари ҳамда иш жараёнларини ёритувчи мақолалар;
- жаҳон молия бозорлари, банк, суғурта, лизинг тизимларида рўй бераётган энг сўнгги маълумотлар;
- валютани мувофиқлаштириш, валюта курсларидаги ўзгаришларнинг иқтисодий вазиятга таъсири, дунё валюталари ҳақида ахборотлар;
- корпоратив бошқарувнинг жаҳон амалиёти, янгиликлари, соҳанинг кўзга кўринган мутахассислари берган назарий ва амалий шарҳлар;
- маркетинг мутахассислари учун: маркетинг, истеъмолчилар, ижтимоий ва бошқа тадқиқотларни ўтказиш, ахборотлар олиш ва уларни қайта ишлаш услублари;
- бухгалтерия ҳисоби, солиқ ва божхона қонунчилиги каби долзарб масалаларнинг муҳокамаси;
- илмий даражага даъвогар иқтидорли талаба ва ёш олимларнинг изланиш ва тадқиқотлари билан бевосита танишиш имконини қўлга киритасиз.

## УНУТМАНГ!

**Biznes-Эксперт** журнали сизнинг энг яқин ҳамкорингиз

ISSN 2181-7235

2181-7235

**Обуна индекси — 1169**
**Қўшимча маълумот учун телефон:**
**(71) 259-21-95**

# Biznes-Эксперт

**По вопросам размещения рекламы обращаться по телефонам:**
**259-22-06, 259-21-97**

| Варианты размещения | Стоимость однократного размещения, тыс. сумов | Размеры модуля |
|---|---|---|
| Вторая-третья страницы обложки | | |
| Страница | 600 | 295×205мм |
| ½ страницы | 310 | 145×205мм, 295×105мм |
| ⅓ страницы | 210 | 100×205мм, 295×65мм |
| ¼ страницы | 160 | 145×105мм, 78×205мм |
| Внутренние страницы | | |
| Разворот | 1000 | 295×410мм |
| Страница | 400 | 295×205мм |
| ½ страницы | 210 | 145×205мм, 295×105мм |
| ⅓ страницы | 140 | 100×205мм, 295×65мм |
| ¼ страницы | 110 | 145×105мм, 78×205мм |
| Classified* | 40 | 50×60мм |
| Четвертая страница обложки | | |
| Страница | 800 | 295×205мм |

* - минимальный рекламный модуль (размер 50*60мм) публикуется на внутренних страницах.

Скидки даются за кратность публикаций при объеме рекламы и объявлений не менее 100 кв. см и только при 100%-ной предварительной оплате заказа на следующих условиях:
- размещение **от 3 до 5 раз – 5%;**
- размещение **от 6 до 8 раз – 10%;**
- размещение **от 9 до 12 раз – 20%;**
- размещение **от 13 и более раз – 25%;**
- размещение минимального рекламного модуля в одном номере **от 5 и более раз – 10%.**

Стоимость подписки на один экземпляр журнала на весь 2020 год **300 000 сумов.**

Технические требования к макетам:
Форматы: TIFF, CDR (Corel Draw), AI (Adobe Illustrator) или INDD (InDesign).
Цветовая модель CMYK, разрешение – 300 dpi

## Варианты размещения рекламы в журнале



# Мундарижа


**Банк тизими**
Зокир СОДИКОВ. Миллий банк-молия тизимининг янги Ўзбекистонда ривожланиш хусусиятлари 3

**Менежмент**
Абдувоси НАЗИРОВ. Бошқарув жараёнида лидер-раҳбарларни шакллантириш – бозор иқтисодиёти талабидир 6

**Агросаноат кластери**
Гулчехра ХАЛМАТЖАНОВА. Агросаноат кластерининг моҳияти, таснифи ва соҳада инновацион фаолиятнинг хусусиятлари 8

**Давлат-хусусий шерикчилик**
Кодиржон ЮЛДАШЕВ, Ботирали ШАРИПОВ. Инновацион иқтисодиёт шароитида олий таълим муассасаларида давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш масалалари 12

**Оилавий тадбиркорлик**
Равшанжон ИСМОИЛОВ. Иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида оилавий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўналишлари 15

**Туризм**
Фируза РАХМАТУЛЛАЕВА. Туризмни ривожлантиришда туристик ресурсларни баҳолашнинг аҳамияти 18

**Услубиёт**
Шахло МАХКАМОВА, Барно АЛИКАРИЕВА, Умида УМАРОВА.Ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий истакларини тадқиқ этиш учун услубий тавсиялар 21

**Туристик хизматлар**
Зумрад УСМАНОВА, Муниса АЛИМОВА. Ўзбекистонда туристик-рекреацион хизматларни ривожлантириш хусусиятлари ва асосий тенденциялари 26

**Озиқ-овқат хавфсизлиги**
Аъзам АХМЕДОВ, Александр КУРДЮМОВ. Озиқ-овқат хавфсизлиги барқарорлигининг назарий-услубий жабҳалари 31

**Small business and private entrepreneurship**
Ma'mura IBRAGIMOVA. Improving the efficiency of small business and private entrepreneurship in Namangan region on the basis of structural changes 35

**Миллий иқтисодиёт**
Азимжон АДАШЕВ. Миллий иқтисодиётни барқарор ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти 38

**Инновация**
Дилдора ТУХТАСИНОВА. Саноат корхоналарида маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишда инновациялар ва уларни бошқаришнинг назарий масалалари 42

**Чорвачилик**
Бекзод ШОДИЕВ. Республикада яйлов ерларидан барқарор ва самарали фойдаланишнинг устувор йўналишлари 45

**Хориж тажрибаси**
Нилуфар БАТИРОВА. Худудий саноатни инновацион ривожлантириш бўйича хориж тажрибаси (АҚШ ва Германия мисолида) 51

**Таҳлил**
Баҳромжон ЖАЛИЛОВ. Мавсумий жараёнларда корхоналарнинг молиявий-иқтисодий кўрсаткичларини ўрганишда гармоник таҳлилдан фойдаланиш масалалари 56

**Стратегик ривожлантириш**
Сарвар АСҚАРОВ. Банкларни стратегик ривожлантириш йўналишларини такомиллаштириш 60

**Хизмат кўрсатиш**
Барно КЕНЖАЕВА, Холиқул ЧОРИЕВ. Автомобиль транспортида хизматлар сифати ва йўловчилар ташишни бошқариш тизимидаги инновацион ёндашувлар 65

**Инвестиция салоҳияти**
Тўлқин ИМОМҚУЛОВ. Самарқанд вилоятида инвестиция салоҳиятини молиявий қўллаб-қувватлаш истиқболлари 68

**Стратегик менежмент**
Тоштемир БЕРДИЕВ. Давлат иштирокидаги банклар ва уларни бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари 71

**Эркин иқтисодий зона**
Маърифатхон АХУНОВА. Саноат корхоналарини ривожлантиришда эркин иқтисодий зоналарнинг роли 75

**Тадбиркорлик муҳити**
Наргиза ХАМИДОВА. Қулай тадбиркорлик муҳитини яратишнинг хориж тажрибаси 78

**Солиқ тизими**
Фазлиддин ТОШЕВ. Иқтисодиётда солиқ тизими ва солиқ юкини оқилона тартибга солиш йўналишлари 81

**Инновацион жараён**
Охунжон НАЗАРМАТОВ. Иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида саноат корхоналарида инновацион жараёнларни бошқариш механизмлари 85

**Маҳаллий бюджет**
Учқун ЎРОҚОВ. Маҳаллий бюджетлар мустақиллигини оширишни такомиллаштириш масалалари 89

**Тараққиёт**
Мақсуда АМИНОВА. Ўзбекистонда B2B озиқ-овқат маҳсулотлари бозорининг ривожланиш тенденциялари 95

**Нуқтаи назар**
Озод ХОЛИҚУЛОВ. Қурилиш ташкилотларида машина-механизмларнинг ҳисоб объекти сифатида таснифи ва улар иш фаолияти 98

**Долзарб мавзу**
Жамшид ЭРГАШЕВ. Дунё хўжалигида давом этаётган коронавирус пандемияси шароитида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш 103

**Кооперация**
Жаҳонгир ҚОСИМОВ. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда мева-сабзавот кооперациялари ташкил этиш омиллари 106

**Ахборот тизимлари**
Фурқат ЮЛДАШЕВ. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятида ахборот тизимларини самарали ташкил этиш 110

**Корпоратив бошқарув**
Акрам АМИРКУЛОВ. Корпоратив бошқарув тизимидаги фаолият соҳаларини кенгайтиришни асослаш масалалари 113

**Инвестицион фаолият**
Ирода БАКИЕВА, Жамолиддин УМУРЗОҚОВ. Хорижий нефть-газ корхоналарида инвестицион фаолият механизмини такомиллаштириш тажрибаси 117

**Нефть-газ саноати**
Нигина САЙФУТДИНОВА. Ўзбекистоннинг жаҳон нефть ва газ саноатидаги ўрни 120

**Инвестицион фаоллик**
Мирумар УСМАНОВ. Уй-жой қурилишида инвестиция фаоллигини оширишнинг устувор йўналишлари 123

**Нигоҳ**
Тохиржон МАХМУДОВ. Ўзбекистон мода индустриясини ривожланиши ва унда "Шарқ либослари" дизайн марказини тутган ўрни 126

**Эконометрика**
Шириной ТОШЕВА. Бошқарув механизмларининг уй-жой қурилиши соҳасида қўлланилишини эконометрик моделлар ёрдамида баҳолаш 130

**Монетар сиёсат**
Улугбек НАБИЕВ. Мамлакатнинг макроиқтисодий ривожланишини таъминлашда монетар сиёсатнинг ўрни (назарий ва амалий жиҳатлари) 134


# Содержание


**Международное сотрудничество**
Равшан АБДУЛЛАЕВ. Новые вехи в сотрудничестве Узбекистана с Исламским банком развития 137

**Проблемы эконометрики**
Шахноза НУРУЛЛАЕВА, Саодат САЙДУЛЛАЕВА, Шавкат ДЖУМАНИЯЗОВ. Проблема мультиколлинеарности при построении эконометрических моделей 141

**Страхование внутреннего туризма**
Умида МАКСУДОВА. Страхование внутреннего туризма 145

**Цифровизация**
Шохрух САДЫКОВ. Возможности использования технологии блокчейн в высших учебных заведениях в условиях формирования цифровой экономики 149

**Оценка эффективности**
Наргиз МАТКАРИМОВА. Многокритериальная база оценки эффективности и результативности деятельности спортивных организаций 152

УЎТ: 338

# Туризмни ривожлантиришда туристик ресурсларни баҳолашнинг аҳамияти
# Значение оценки туристических ресурсов в развитии туризма
# The importance of the assessment of tourist resources in the development of tourism

**Фируза РАХМАТУЛЛАЕВА,**
**БухДУ доценти, и.ф.н.**

## *Аннотация*

*Мақолада туристик салоҳиятини аниқлашда туристик ресурсларнинг аҳамияти баён этилган. Ҳудудларнинг туристик ресурсларини баҳолашда бир қатор параметрлар ҳисобга олинган ҳолда уларни баҳолаш услублари кўрсатилган.*

*В данной статье изложена важность туристских ресурсов в определении туристического потенциала. Изложены методы оценки туристических ресурсов региона с учетом ряда параметров.*

*This article outlines the importance of tourism resources in determining tourism potential. Methods for assessing the tourism resources of the region are described taking into account a number of parameters.*

Туристик ресурсларни комплекс ривожлантириш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш масалалари мамлакатда ички ва ташқи туризмни самарали бошқариш учун муҳимдир. Ҳар бир минтақа ўзининг туристик салоҳиятидан маҳаллий аҳоли ва чет эллик сайёҳларнинг сифатли туризм хизматларига бўлган эҳтиёжини қондириши, шунингдек, уларни қабул қилиш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш учун фойдаланиши лозим. Ҳар қандай турдаги ресурсларни самарали ривожлантириш имконияти салоҳиятни таҳлил қилишга, берилган ресурснинг бозордаги ўрнини етарлича аниқ белгилашга, ушбу ресурс учун уни ривожлантиришнинг энг мақбул усуллари ва шаклларини оқилона танлашга ҳамда ушбу ресурсни ўзлаштириш, шунингдек, ривожлантиришда барча иштирокчиларнинг мувофиқлаштирилган ҳаракатларини таъминлашга асосланади.

Мавжуд ресурсларни дастлабки баҳолаш келгуси йиллар учун иқтисодий стратегияни ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга. Миллий иқтисодиётнинг барча тармоқлари барқарор ривожланиш йўлларини изламоқда, аммо сўнгги бир неча йил ичида қишлоқ хўжалиги ва туризмга минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши даражаларидаги фарқни камайтирадиган энг қулай ривожланиш имкониятлари сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳудуднинг туристик салоҳияти деганда, маълум бир ҳудудда туризмни ташкил этиш учун табиий, маданий-тарихий ва ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларнинг йиғиндиси тушунилади. Минтақада туризмни ривожлантириш салоҳияти – бу минтақа ресурсларидан туризм фаолиятида янада самарали фойдаланиш учун мўлжалланган, умуман минтақа иқтисодиётининг ривожланишига ҳисса қўшадиган ресурслар ва шарт-шароитлардир. Туристик маҳсулотни шакллантиришнинг асоси туристик ресурслар ҳисобланади. Туристик қизиқиш уйғотадиган, яъни туристлар учун

**Калит сўзлар:** туризм, минтақа, минтақавий туризм, туристик ресурслар, туристик салоҳият, туристик ҳудуд, баҳолаш, баҳолаш усуллари.

жозибадор ва очиқ бўлган барча ашёлар туристик ресурслар деб ҳисобланиши мумкин [1].

Туризмнинг ривожланишига таъсир қилувчи барча ресурсларни уч гуруҳга бирлаштириш мумкин:

- табиий ва иқлим ресурслари (иқлим шароити, ландшафт, сув ва минерал ресурслар, ўсимлик, ҳайвонот дунёси, алоҳида табиий ёдгорликлар ва бошқалар);
- тарихий ва маданий ресурслар (минтақанинг моддий ва номоддий маданий мероси);
- ижтимоий-иқтисодий ресурслар (туризм инфратузилмаси, бошқарув, кадрлар ва ўқув, моддий, молиявий, ахборот ресурслари ҳамда шароитлари).

Минтақанинг туристик салоҳиятини аниқлашда туризмни ривожлантириш ресурсларини ҳар томонлама баҳолашнинг аҳамияти қуйидагиларда яққол намоён бўлади:

- Туристик салоҳиятни баҳолаш минтақада туризмни ривожлантиришнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Туризм ресурсларини баҳолашнинг асосий сабаби молиявий масалалар, яъни маҳаллий бюджетнинг чекланган бўлиши мумкинлиги. Шу сабабли, минтақавий туристик ресурсларни баҳолаш маҳаллий ҳокимият органларига туризмни барқарор ривожлантириш мақсадида ресурсларни тақсимлаш тўғрисида самарали қарор қабул қилишда зарур.
- Минтақада туризмни барқарор ривожлантириш тамойиллари ва вазифалари туристик маҳсулотлар ҳамда туристик истеъмол учун яхши режалаштирилган ва бошқариладиган ресурсларни ўз ичига олади. Сайёҳлик йўналишини режалаштириш ва ривожлантиришда мунтазам равишда кўриб чиқилиши керак бўлган асосий омилларга тўртта элемент киради: туристик диққатга сазовор жойлар, туризм объектлари ва хизматлари, туризм бозорлари ҳамда менежмент [2].
- Туристик ресурс салоҳиятини баҳолаш – бу ресурсларнинг туристик фаолиятни қўллаб-қувватлаш имкониятларини баҳолашдир.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, туристик ресурсларни баҳолашнинг универсал усуллари мавжуд эмас, бу қисман туристик ресурсларнинг ўзига хос табиати билан белгиланади. Туристик ресурсларни баҳолаш усулларининг хилма-хиллиги ресурсларнинг турли туманлиги ва улардан туризм ҳамда рекреация фаолиятида фойдаланиш имконияти билан асосланади. Бу вазият туризмни ривожлантириш учун ҳудуд ресурсларини баҳолашнинг ягона методологиясини шакллантиришга имкон бермайди.

Ҳар бир муаллиф баҳолаш параметрлари рўйхати ва муайян мезонлар базаси бўйича ўз нуқтаи назарига эга. Иқтисодиёт фанида айрим туристик ресурслар гуруҳлари учун алоҳида баҳолаш усуллари қўлланилади. Табиий туристик ресурсларни баҳолашнинг тўртта асосий тури мавжуд: тиббий-биологик, эстетик, технологик ва иқтисодий. Масалан, ҳудудни муҳандислик ўзлаштириш нуқтаи назаридан табиий туристик ресурсларни баҳолашда технологик баҳолаш усулидан фойдаланиш мумкин [3].

Минтақанинг туристик-рекреацион салоҳиятини аниқлашда фойдаланиладиган туристик ресурсларни баҳолаш усулларининг таснифи туристик ресурсларни баҳолашнинг миқдорий, сифатий ва комплекс усулларини ўз ичига олади. Миқдорий усуллар бошқа баҳолаш усуллари учун статистик материални тақдим этади. Миқдорий баҳолаш усулларига статистик (математик) ва картографик усуллар киради. Картографик усул минтақа билан танишиш ва туристик ресурсларни, агар улар харитага киритилган бўлса, дастлабки баҳолаш учун ишлатилади. Ушбу усул туристик ресурсларни баҳолаш натижаларини шарҳлаш ва ҳудудларнинг туристик ривожланишининг географик ахборот тизимларини шакллантириш учун ҳам тўғри келади. Маълумотларнинг асосий манбалари бўлиб табиий, тарихий ва маданий ҳамда туризм инфратузилмаси объектлари ва туристик намойиш объектларининг давлат реестрлари ҳисобланади.

Баҳолашнинг сифатий усуллари тўплами янада кенгроқ бўлиб, унга тиббий-биологик, эстетик, иқтисодий, экологик баҳолаш, шунингдек, ЮНЕСКО томонидан ишлаб чиқилган халқаро аҳамиятга эга табиий ва маданий сайёҳлик объектларини баҳолаш усули киради. Туристик ресурсларни баҳолашнинг интеграциялашган комплекс усуллари – минтақада туризмни ривожлантириш учун туризм ресурслари кадастрлари тизими ва геоахборот тизими (ГАТ) ҳисобланади.

Тиббий-биологик баҳолаш ёрдамида табиий омилларнинг инсон организмига таъсири аниқланади, бунда етакчи ролни иқлим ўйнайди. Иқлим омиллари комплексини инсон саломатлиги ҳолатига таъсирини ҳисобга оладиган баҳолашнинг бир

қатор услублари ишлаб чиқилган бўлиб, бу иқлим шароитининг қулайлик даражаси бўйича ҳудудларни раёнлаштиришга ва климатотерапиядан кенг фойдаланишга имкон беради.

Психологик ва эстетик баҳо ёрдамида табиий ландшафт ва унинг таркибий қисмларининг одамга бўлган ҳиссий таъсири даражаси аниқланади. Шу билан бирга, сайёҳлик ҳудудида жойлашган диққатга сазовор жойлар, тарихий, маданий ва меъморий обидалар алоҳида аҳамият касб этади. Бундай баҳолаш усуллари одатда параметрларнинг хилма-хиллиги ва унинг мезонларини субъективлиги туфайли мураккаблашади.

Туристик ресурсларни баҳолашнинг кадастр усули минтақавий ва миллий иқтисодиёт даражасида қўлланилади. Хориж тажрибасининг таҳлили шуни кўрсатадики, баҳолашнинг кадастр тизими кўплаб табиий ресурсларни: ер, ўрмон, сув ва минерал ресурсларни бошқаришнинг асосини ташкил этади. Умуман олганда, кадастр нафақат ресурслар ҳолати тўғрисидаги маълумотларни, балки эксплуатацион баҳолаш тавсифини ҳам ўз ичига олиши лозим. Туристик ресурслар кадастрини ишлаб чиқишда интеграл, дифференциал ижара баҳолаш натижаларидан ҳамда туристик ресурслар жозибадорлигининг сўровлар ва ижтимоий-иқтисодий мониторинг орқали олинадиган эксперт баҳоларидан фойдаланиш лозим. Туристик ҳудуднинг ресурс имкониятларини таҳлил қилиш асосида туристик ресурслар кадастрининг таркибий жадвали тузилади.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, ҳудуднинг сайёҳлик-рекреацион салоҳиятини баҳолаш бир неча жиҳатларни функционал, санитария-гигиена, психологик-эстетик, техник-иқтисодий ва табиатни муҳофаза қилишни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим. Чунки, рекреацион ресурсларнинг мураккаб табиати уларнинг интеграл қийматини ва ҳудудни рекреацион ривожлантириш шаклларини аниқлаш учун баҳолашнинг барча турларини бирлаштиришни талаб этади.

Минтақадаги туризм фаолиятининг ривожланишини таъминлайдиган барча ресурслар, яъни турли сайёҳлик ва дам олиш хизматларини ташкил этиш учун маданий, тарихий ҳамда ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда муайян минтақанинг иқтисодий, моддий, молиявий, меҳнат, табиий ва бошқа имкониятлари баҳоланиши керак.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, агар баҳолаш жараёнида маълум бир ресурс турига асосланган турли хил баҳолаш усуллари қўлланилса, туристик салоҳиятини комплекс баҳолаш самаралироқ ва ишончли бўлади. Туристик ресурсларни баҳолаш ҳудудлардаги туризм салоҳиятини очиб беради ва уни инвесторлар учун юқори рентабелли, иқтисодий ва жозибадор соҳага айлантиради.

Ресурс салоҳиятини баҳолаш натижалари туризмни ривожлантиришнинг узоқ муддатли мақсадли дастурларини илмий асослаш учун асос бўлиб хизмат қилиши лозим. Улар ушбу дастурларни амалга ошириш самарадорлигини ошириш, нафақат туризм соҳаси, балки бутун минтақавий иқтисодиётнинг иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш имконини беради.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Карчевская Е.Н. Методическое обеспечение регионального развития и пространственной дифференциации туризма (на примере Гомельской области): автореф. дис.канд. географич. наук. / Е.Н. Карчевская – Гомель: Гомельский государственный технический университет им. П.О. Сухого, 2008. – 22 с. С/8.

2. Emphandhu, D. (2003b). *Outdoor Recreation Resources Assessment.* Faculty of Forestry, Kasetsart University, Thailand (In Thai.).

3. Кружалин К.В. Оценка рекреационного потенциала России для развития международного туризма // Туризм и рекреация: фундаментальные и прикладные исследования: Сборник трудов Международной научно-практической конференции / К.В. Кружалин. – М.: МГУ, 2006 г.

4. Ушакова Е.О. Методологические основы оценки ресурсов развития туризма региона: монография. – Новосибирск : СГГА, 2014 г. – 194 с. С. 46-47.

# Biznes-Эксперт

ИҚТИСОДИЙ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ОЙЛИК НАШР

ЭКОНОМИЧЕСКИЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

**ТАҲРИР КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ**
**ТАҲРИР КЕНГАШИ РАИСИ | ПРЕДСЕДАТЕЛЬ РЕДАКЦИОННОГО СОВЕТА**
**Қаландар АБДУРАҲМОНОВ**
ЎзР ФА академиги, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
академик АН РУз., доктор экономических наук, профессор
**ТАҲРИР КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ | ЧЛЕНЫ РЕДАКЦИОННОГО СОВЕТА**
**Z. Kliment LAZARASHVILI (Климент ЛАЗАРАШВИЛИ), MBA, JD, PhD.**
Georgian international University президенти (АҚШ)
Президент Georgian international University (США)
**Gerhard FELDMEYER** (Герхард ФЕЛДМАЙЕР)
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Германия)
доктор экономических наук, профессор (Германия)
**Masato HIWATARI (Масато ХИВАТАРИ)**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Япония)
доктор экономических наук, профессор (Япония)
**Sung Dong KI (Сунг Донг КИ)**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Корея Республикаси)
доктор экономических наук, профессор (Республика Корея)
**Нагмет АИМБЕТОВ**
ЎзР ФА академиги, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
академик АН РУз., доктор экономических наук, профессор
**Юрий ОДЕГОВ**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Россия)
доктор экономических наук, профессор (Россия)
**Игорь БУТИКОВ**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор
**Фармонқул ЭГАМБЕРДИЕВ**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор
**Мухиддин КАЛОНОВ**
иқтисодиёт фанлари доктори,
доктор экономических наук
**Адҳам БЕКМУРОДОВ**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор
**Муҳиддин ПЎЛАТОВ**
иқтисодиёт фанлари доктори
доктор экономических наук
**Дурбек АХМЕДОВ**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор
**Бахтиёр ИСЛОМОВ**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор
**Баҳодир УМУРЗАКОВ**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор